# ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

# 2015 ЙИЛДА ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

| | |
|---|---|
| **Иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми (2015 йилга нисбатан 11,3%га кўп)** | • **15,8 млрд. долл.** |
| **Шундан: хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари** | • **47 фоизи** |
| **Инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши** | • **23 фоиз** |
| **Жами инвестицияларнинг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга йўналтирилган қисми** | • **70 фоиздан ортиғи** |
| **Хорижий инвестицияларнинг ҳажми (жами инвестицияларнинг 22%дан ортиғи)** | • **3,3 млрд. долл. ортиқ** |
| **Шундан: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (хорижий инвестицияларнинг 72 фоиздан ортиғи)** | • **2 млрд. 200 млн. долл.** |
| **Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш борасида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий қиймати** | • **1,6 млрд. долл. ортиқ** |
| **Ниҳоясига етказилган ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳалар** | • **2 млрд. 700 млн. долл.<br>150 та лойиҳа** |

# “НАВОИЙ” ВА “АНГРЕН” ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ

| | | |
|---|---|---|
| 1 | • **“Навоий” ЭИИЗ** ташкил этилганидан буён ишга туширилган ишлаб чиқариш корхоналари сони | **19 та (умумий қиймати 100 млн. долл.дан зиёд)** |
| 2 | • 2015 йилда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми | **100 млрд. сўмдан зиёд (2012 йилга нисбатан 125,8%)** |
| 3 | • **“Ангрен” махсус индустриал зонаси** ҳудудида йўлга қўйилган юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш | **Умумий қиймати 44 млн. долларлик 5 та лойиҳа** |
| 4 | • **“Жиззах” махсус индустриал зонаси** ҳудудида амалга оширилган лойиҳалар | **Умумий қиймати 6 млн. долларлик 3 та лойиҳа** |

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

“ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН.
“ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН.
“ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ 18 ТА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ 20 ТА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

# Ўзбекистон Республикаси Қонуни Инвестиция фаолияти тўғрисида

- Қабул қилинган вақти: 1998 йил, 24 декабрь, № 719-1
- 28 моддадан иборат. Янги таҳрири 2014 йил, 9 декабрь, № 380, 30 моддадан иборат.

- **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- **инвестициялар** — қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар;
- **инвестор** — инвестиция фаолияти объектларига ўз маблағларини инвестиция қилишни ва бошқа инвестиция ресурсларини жалб этишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;
- **инвестиция мажбурияти** — инвестиция лойиҳасида назарда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун инвесторнинг ўзи қабул қиладиган мажбурияти;
- **инвестиция фаолияти** — инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;
- **инвестиция фаолияти иштирокчиси** — инвесторнинг буюртмалари бажарилишини таъминловчи инвестиция фаолияти субъекти;
- **реинвестициялар** — инвестициялардан олинган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақи, техник ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ҳамда бошқа шаклдаги мукофотлар.

- **4-модда. Мўлжалланган объектига кўра инвестицияларнинг турлари**
- Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.
- **Капитал инвестицияларга** асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизациялашга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради.
- **Инновация инвестицияларига** янги ёки такомиллаштирилган товарларни (ишларни, хизматларни), ишлаб чиқариш жараёнини, тадбиркорлик фаолиятини юритишда янги маркетинг услубини ёки ташкилий услубни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга киритиладиган инвестициялар киради.
- **Ижтимоий инвестицияларга** инсон салоҳиятини, кўникмаларини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради.
- **28-модда. Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш**

Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш инвесторнинг, давлатнинг ваколатли органи ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин. Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор:

- инвестор қонунда белгиланган тартибда банкрот деб эълон қилинган ёки топилган;
- фавқулодда вазиятлар юзага келган;
- инвестиция фаолияти жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура - шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланган ҳолларда қабул қилиниши мумкин.

# Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Чет эл инвестициялари тўғрисида

- **Қабул қилинган вақти: 1998 йил 30 апрель, № 609-1**
- **22 моддадан иборат**
- **4-модда. Чет эллик инвесторлар**

Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

# Ўзбекистон Республикаси Қонуни
# Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида

- Қабул қилинган вақти: 1998 йил, 30 апрель
- 13 моддадан иборат
- **3-модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари**
- Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амалга оширилиши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда фуқаролиги, яшаш жойи, диний эътиқоди, иқтисодий фаолияти қаерда амалга оширилаётганлигига, шунингдек инвесторлар ёки инвестицияларнинг қайси мамлакатга мансублигига қараб чет эллик инвесторларнинг камситилишига йўл қўйилмайди.

# 6-модда. Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари

- Чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари чет эллик инвесторнинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин.**
- Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек ундан ташқарида ҳар қандай валютада, ҳар қандай банкда ҳисоб варақлар очиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;
- чет эл валютасида ссудалар олиш ва уни қайтариш.
- Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳисоб варақларидаги маблағлардан фойдаланишни чеклаш ёхуд маблағларни мажбурий олиш давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

# 7-модда. Маблағларни ўтказиш кафолатлари

- Чет эллик инвесторларга чет эл валютасидаги пул маблағларини Ўзбекистон Республикасига ва ундан ташқарига, улар солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шарти билан, **бирон-бир чеклашсиз эркин ўтказиш кафолатланади.**

**Бундай ўтказишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- чет эл инвестицияларини сақлаб туриш ёхуд кўпайтириш учун бошланғич ва қўшимча суммаларни;
- инвестицияларни амалга оширишдан тушган даромадларни;
- етказилган зарарни қоплаш учун товон сифатида ушбу Қонунга мувофиқ олинган маблағларни;
- шартномаларни ижро этиш тартибида амалга оширилган тўловларни;
- чет эл инвестицияларининг ҳаммасини ёки бир қисмини сотишдан келган тушумни;
- низони ҳал қилиш, шужумладан суд ёки ҳакамликнинг ҳар қандай ҳалқилув қарори туфайли вужудга келувчи тўловларни;
- ходимларга тўланадиган иш ҳақини ва бошқа тўловларни;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалардан олинган маблағларни.

## 8-модда. Инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиш ҳуқуқига эга.

- Чет эллик инвестор инвестиция фаолиятини тўхтатганидан кейин инвестиция фаолиятини тўхтатиш натижасида олинган ўз активларини, чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун зарар етказмаган ҳолда, пул ёхуд натура шаклида ўз мамлакатига эркин қайтариш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (2012 йил 10 апрель, ПФ-4434-сон)

# ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши **5 млн.АҚШ долларидан** кам бўлмаган янгидан ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб **10 йил** мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда солиқ тўловлари бўйича **корхона давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрларини қўллаши** мумкин.

# ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

50 млн.АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвестор улуши 50% бўлган инвестиция лойиҳалари бўйича зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ва бошқа ички манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛАДИГАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ

- 300 минг АҚШ долларидан 3 млн.АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;
- 3 млн.АҚШ долларидан 10 млн.АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;
- 10 млн.АҚШ долларидан ортиқ бўлса — 7 йил муддатга.

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА БЕРИЛАДИГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

- ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ;
- МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ;
- ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН СОЛИҚ;
- ЯГОНА ИЖТИМОИЙ ТЎЛОВ;
- ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ;
- РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА АЖРАТМА;
- ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИГА АЖРАТМА.

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ШАРТЛАРИ

| АВВАЛГИ МЕЪЁР БЎЙИЧА | ЯНГИ МЕЪЁР БЎЙИЧА |
|---|---|
| корхоналарни - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш; | корхоналарни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари республиканинг барча ҳудудларида жойлаштириш; |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-ларни Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз амалга ошириш; | тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-ларни Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз амалга ошириш; |
| корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50% ни ташкил этиши; | корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33% ни ташкил этиши; |
| инвестицияларни эркин алмаштири-ладиган валюта ёки янги технологик ускуна тарзида қўйиш; | инвестицияларни эркин алмаштири-ладиган валюта ёки янги технологик ускуна тарзида қўйиш; |
| имтиёзлардан олинган даромадни корхонага қайта инвестициялашга йўналтириш. | имтиёзлардан олинган даромадни камида 50 %ини корхонага қайта инвестициялашга йўналтириш. |

СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐ Солиқ даври ☐☐☐☐

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг тўлиқ номи ____________________

Маълумотномани тақдим этиш муддати (кун, ой, йил) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐

________________________________________га тақдим этилади
(солиқларни ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сон фармонига мувофиқ солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммаси тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА

сўм

| **Тўлов номи** | **Имтиёз суммаси** |
|---|---|
| ЖАМИ<br>шу жумладан: | |
| ер солиғи | |
| мол-мулк солиғи | |
| юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | |
| ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | |
| ягона солиқ тўлови | |
| Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар | |
| бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар | |

| **Солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади** | **Солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф. И. О. ________<br>Имзо ________ | Ушбу маълумотнома<br>(кераклиси «V» белгиси билан белгилансин)<br>☐ қоғозда ☐ электрон тарзда<br>☐ шахсан ☐ почта орқали ☐ электрон почта орқали |
| Бош бухгалтер<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф. И. О. ________<br>Имзо ________ | ☐☐☐ варақ тақдим этилган<br>Тақдим этилган сана ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐<br>(кун/ой/йил) |
| Сана<br>(кун/ой/йил) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐ | Ф. И. О. ________<br>Имзо |

М.Ў.

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙЛИК

**Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компаниялар вакилларига визалар расмийлаштириш:**

**12 ойга кириш визаси**

**Кўп марталик визалар**

# ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИК

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНА-ЛАР ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИМЧА ТАЛАБ ВА ЧЕКЛОВЛАР ЎРНАТИЛИШИ ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.

**БУ ҲОЛАТ ҚОНУНГА ХИЛОФДИР**

Радиоэлектрон саноати буюмлари ва компьютер техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш

Тўқимачилик саноати: ип, жун, трикотаж газламалар, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Ипакчилик саноати: шойи газламалар ва ипакдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш

# ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИГАН ТАРМОҚЛАР

Паррранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш

Қурилиш материаллари саноати

Озиқ-овқат саноати: тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Саноат учун электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш

Кўмир саноати: кўмирни бойитиш, кўмир брикетларини ишлаб чиқариш

Машинасозлик, қишлоқ хўжалик, қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги

# ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИГАН ТАРМОҚЛАР

Станоксозлик ва асбобсозлик саноати

Микробиология саноати

Шиша ва чинни-фаянс саноати

Гўшт-сут саноати: гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш

Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш

Кимё ва нефть-кимё саноати

# ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИГАН ТАРМОҚЛАР

Тиббиёт саноати, ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш

Қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш

Муқобил энергия манбаалари негизида электростанциялар қуриш

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**